

Мухаммадшариф Сўфизода 1869 йилнинг 29 январида Наманган вилояти, Чуст туманида хунарманд-косиб оиласида тугилган.

Отаси Эгамберди Сўфи пичокчилик, чарх тортиш ишлари билан машгул бўлган. Онаси Зайнаб хола хошишига кўра у кўшниси Манзура отиндан хат-савод ўрганади, эски мактабларда таълим олади. У Хофиз, Бедил, Алишер Навоий, Муқимий ва Фуркат каби алломалар ижодини чуқур ўзлаштириб, шеърлар машк кила бошлайди. Туркистонда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети» каби Козон, Оренбург ва Бокчасаройда чиқадиган рўзнома, ойномалар билан кизикади. Боку ва Тифлисида чоп этилган озор тилидаги асарларни мутолаа килади.

1893—1898 йилларда у Кўконда яшаб, Муқимий, Фуркат таъсирида «Вахший» тахаллуси билан хажвий асарлар яратади. Айникса, унинг «Даканинг», «Бедананг», «Айтинг бу сўзимни», «Ўпай», «Бегубор дарду олам» каби хажвий ва лирик газаллари эътиборга лойик эди. Бирок хали Муқимий хажвияси зарбидан кутулиб улгурмаган замона хокимлари ёш Мухаммадшарифнинг кескин танқидига қарши хужум бошлайдилар. Оқибатда у 1899 йили Кўкондан Чустга қайтиб келади. Икки йил ўтгач, уни амир-амалдорлар «ул беадаб ва бад асли» дахрийликда айблаб, қатл этишга ҳукм чиқарадилар.

Ўзининг ёзишича, «сўнг Чустдан қочиб, Мир вилоятига тафаккур қилиб, муддати 14 йил ҳар мамлакатда юруб» («Туркистон вилоятининг газети», 1914, 10-сон) умр кечиради. Худди шу 1900—1914 йиллар Сўфизода дунёқарашида муҳим босқич ҳисобланади. Аввал Бокуга бориб, Жалил Дулизода, Собир Тохирзода, Мухаммад Ходий каби озарбайжон адабиётининг тараккийпарвар вакиллари билан танишади. Сўнг Арабистон шаҳарлари, Хиндистон ва Туркия мамлакатларида оддий меҳнатқаш халқ ҳаётини кўради. 1910-1913 йилларда Кўнгиротда муаллимлик қилади, маърифатпарварлик руҳидаги шеърларини ёзиб, Боку ва Оренбургда чиқадиган рўзнома ва ойномаларда тез-тез кўрина бошлайди. Айникса, унинг маҳоратидан дарак берувчи «Ўзбек хонимиға», «Хонимлар исминда», «Ватан», «Муслималар» асарлари эътиборли эди.

1913 йилда Чустга қайтиб келиб, етим мактаблари очади ва унда муаллимлик қилади. Дунёвий фанларни енгил ва янги усулда ўргатишга бел боғлайди. Айни чоғда айрим шариат пешволарини, бой-амалдорларни ўткир хажвий тиг билан савалайди. Бунга чидай олмаган хоким синф вакиллари уни халок этиш пайиға тушадилар. Буни сезган шоир Сўфизода 1915 йили яна хорижий мамлакатларга кетишга мажбур бўлади.

Кувди мени жохиллар ўшандоғ ватанимдан,
Лекин кува олмас суханимни даханимдан, —

деб, эътиқоди, иродасини яна бир бор тиклаб олади. Бу сафар давомида у Хиндистонда, сўнг Афғонистонда ўқитувчилик билан машгул бўлади. 1918 йилда Афғонистон маориф вазирынинг ўринбосари сифатида Туркистонга афғон ваколатхонасининг тилмочи бўлиб тайинланади. 1918 йил сўнгида у афғон арбоблари билан Ўзбекистонга қайтиб келади

ва шу ерда умринин охиригача хизмат этади.

Яна мунофиклар каршилигига учраб, олти ойга камалади. Сўфизода бутун умр кийинчиликлар кўрса хам, ўз халкига хизмат этишдан заррача тўхтамади. Унинг асарлари «Кизил Ўзбекистон», «Муштум», «Фаргона» каби рўзнома ва ойномаларда тез-тез босилиб турди.

1925 йил 13 августда «Фаргона» газетасида «Хушчакчак каламлар» сарлавхаси остида унинг бир катор хажвий шеърлари босилди. Унинг «Хакикатдан кўз юмганлар», «Калайсизлар?», «Сайловга» каби шеърларида ўша суронли йиллар тахликалари устида мулохаза юритилади. 1934 йилга келиб, «Байрам нашидалари» номли достони нашр этилади. Унга ўзбек адабиёти олдидаги хизматлари учун Хамза Хакимзода Ниёзий билан бир каторда 1926 йил 27 февралда Ўзбекистон халк шоири деган юксак унвон берилади. У 1937 йилда огир бетобликдан вафот этади.